



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 18 январь, № 13 (8636)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРИЗМ ИМКОНиятларини кенгайтириш бўйича ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА Қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев хорижий туристлар оқимини ошириш ҳамда ички туризмни фаоллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Юртимизда тарихий, маданий ва хушманзара гушалар кўп. Уларда шароит яратилса, сайёҳларни янада кўпроқ ва йил давомида жалб қилиш мумкин. Шу мақсадда Президентимиз топшириғига асосан туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган 12 та туман ва шаҳарда туризм марказлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бундай марказларда туну кун ишлайдиган ресторан, кафе, соғломлаштириш ва бассейн хизматлари бўлади.

“Зомин”, “Чимён” ва “Амирсой” каби курорт зоналари ҳамда кўнгилочар мажмуаларда халқаро брендлар, миллий ипак матолари, сувенир, заргарлик маҳсулотлари ва олтин қуймалар дўконлари таш-

кил этилади. Бунинг учун 2027 йил 1 январгача туризм марказларидаги тадбиркорларнинг ер ва мол-мулк солиғини белгиланган миқдордан 90 фоизга камайтириш, 2026 йил 1 мартгача заргарлик ва олтин маҳсулотлари учун керак бўладиган асбоб-ускуналар ва технологияларни божхона божидан озод қилиш таклиф этилмоқда.

Жорий йилдан бошлаб, “Ўзбекистонда яна бир кун саёхат” дастури амалга оширилади. Унга кўра вилоятлараро туризм объектиларини ўзаро боғловчи “республика туризм халқалари” ҳамда туман ва шаҳарлар ўртасида “худоудий туризм халқалари” ташкил этилади. Туризм кўмитаси томонидан Туристик йўналишларнинг ягона реестри юритилади.

Шунингдек, “Тўрт фаслнинг ҳар

бирида саёхат” дастури ҳам амалга оширилади. Масалан, баҳор ва куз фаслларида экологик, экстремал, тиббий ва соғломлаштириш, ёзда сув ҳавзалари ва оромгоҳлар, қишда экстремал туризм ва тоғ-чанги зоналарининг имкониятлари тарғиб қилинади. Мазкур туризм мавсумларининг очирилиши учун фестиваллар ташкил этилади.

Ҳар икки йилда май ойида мукофот жамғармаси 2 миллион доллар бўлган Халқаро “Ўзбекистон ипак матолари” мода ҳафталиги ўтказилади.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини чет элларда тарғиб қилиш учун Туризм кўмитасининг “туризм вакиллари” институти жорий этилади.

Шунингдек, хунармандларни

қўллаб-қувватлаш, тиббиёт туризмининг ривожлантириш, туризм таълимига халқаро тажрибани таъбиқ қилиш чоралари кўрилади.

Худудларда кемпинг, ўтов, экоуй ва хостеллар, меҳмонхоналарда бассейн қуриш учун имтиёзли кредитлар ажратилади. Соҳадаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхона ва савдо мажмуалари, бассейн ва аквапарклар учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар 2 йилга божхона божлари тўлашдан озод этилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, экотуризмни янада кенг ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахслар саёхати учун ҳам зарур шароитларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Дунё ғироҳи

2024 йил Хитой ва Ўзбекистон учун олий даражадаги муҳим воқеаларга бой бўлади

Сўнгги кунларда Хитой оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорлик натижалари кенг ёритилмоқда. Жумладан, мамлакатнинг инглиз тилида нашр қилинадиган “Beijing Review” журналида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларга бағишланган таҳлилий мақола chop этилди.

“Кейинги йилларда Хитой — Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, дейилади мақолада. 2023 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга икки марта таширф буюрди. Жорий йил ҳам икки давлат учун фаол ва олий даражадаги муҳим воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда”.

Нашрда қайд этилишича, мамлакатлар икки томонлама ва минтақавий институтлар орқали ҳамкорлик қилишдан ташқари, қадимий Ипак йўли бўйлаб ва унинг сарҳадларидан чиққан ҳолда алоқаларни кенгайтиришга қаратилган Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусида қатнашиш орқали ҳам кенг қамровли стратегик шериклиқни чуқурлаштирмоқда. Маълум қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Пекинда уч марта — 2017, 2019 ва 2023 йилларда “Бир макон, бир йўл” халқаро ҳамкорлик форумида қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий динамикаси ҳали янада ўсиш учун катта имкониятларга эга.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

янада Фидойи ва ташаббускор бўлиш — УСТУВОР МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб ўтган ҳафта давомида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеаларга тўхталиб ўтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида ушбу йўналишда ўтган йилда урдаланган ишларнинг натижалари қўриб чиқилгани, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини оширишда парламент, сиёсий партиялар фракциялари, депутатларнинг ҳам ўрни бўлиши кераклиги айтилди.



амалий кўмак беришлари лозимлиги таъкидланди. Шундан сўнг мажлисда бир қатор муҳим қонун лойиҳалари қўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Депутат таклифи қўллаб-қувватланди

Депутатлар дастлаб мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилиши кўзда тутилган жами 16 та масала юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Қонунчилик палатаси депутати Уктам Исломов сўз олиб, йиғилиш кун тартиби лойиҳасига пар-

ламент назорати йўналишида қўшимча киритиш таклифини илгари сурди. У ўз сўзида глобал экологик муаммолардан бири — атмосферанинг ифлосланиши масаласи Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамият касб этиб бораётганига эътибор қаратар экан, ушбу муҳим мавзу юзасидан куни кеча Қонунчилик палатасидаги Экологик партия фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган қўшма йиғилишга алоҳида тўхталди.



Таъсис конференцияси

МАҲАЛЛА – ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ, ТАРАҚҚИЁТ Йўлининг ЛОКОМОТИВИ

Маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини, қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатида ҳам алоҳида маккега эга. Юртимизда маҳалланинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда муқобили йўқ ноёб тизим бўлган маҳалланинг нуфузини ошириш, уни чинакам халқ виждонига айлантириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техника базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш” мавзусида ўтказилган таъсис конференциясида бу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Унда таъкидланганидек, маҳалла чинакам халқ манфаатини қўзлайдиган, аҳоли муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга қодир етакчи фуқаролик жамияти институтига айланди. Маҳалланинг жойларда халқнинг



маслақдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, адолатли тузилмасига айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончи ва эътиқодини янада мустаҳкамлайди.

Таъсис конференциясида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини тузиш ва унинг ҳудудий бўлиммаларини ташкил этиш, уюшма Устави ва рамзини,

худудий бўлиммаларнинг намунавий низомларини тасдиқлаш, уюшманинг Назорат-тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини сайлаш, шунингдек, уюшма ва унинг ҳудудий бўлиммалари ҳамда маҳалла фаоллари олдига турган устувор вазифалар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛЛАРИГА МУРОЖААТИ

Муҳтарам ватандошлар!

Барчамиз учун муқаддас Ватан, аввало, ўз уйимиз, маҳалламиз остонасидан бошланади. Ҳаммамизнинг ҳаётимиздаги яхши ва бегубор дамлалар, ташвишли кунлар, тақдиримиз ва келажагимиз ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган ана шу идора билан бевосита боғлиқ. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб айтганларидек, маҳалла тинч бўлса — юртимиз тинч, маҳалла обод бўлса — бутун мамлакатимиз обод ва фаровон бўлади.

Кейинги йилларда миллий ўзгичилим тизимини, бетақор қадрият ва аъёнларимиз бешиги бўлган ана шу институтини жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ваколатларини ошириш, моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизда маҳалла бошқаруви оид муҳим янги моддалар киритилди.

Бу ҳақда гапиргандан, охириги 7 йилда тизимни такомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини, барча соҳа ва йўналишлар бўйича маҳаллабай ишлаш усули кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара бераётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар берилляпти. Бу — албатта ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар — давлатимизнинг энг катта заминни.

Ҳозирги вақтда “маҳалла еттилиги” томонидан бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, нуруний отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар ва ёшларга манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларни замонавий касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маъ-

навий-маърифий тадбирлар ўтказиш каби бир-биридан муҳим ишлар олиб боришмоқда.

Хонадонларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳоли тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нукталари” аниқлаб олинди. Хонадонбай, оилабай ишлаш тизими, “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонлари жорий этилди.

Ана шундай изчил саъй-ҳаракатлар тўғрисида маҳалла идорасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи янада мустаҳкамланиб, у аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатишнинг адолатли ва таъсирчан институтига, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатадиган, одамларга энг яқин халқчил тузилмага, чинакам халқ виждонига айланиб бормоқда.

Хурматли маҳалла фаоллари! Бугунги кунда бутун мамлакатимиз каби маҳаллаларимиз тараққиётда ҳам янги давр бошланмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган юксак мақсад ва вазифалар асосида маҳалла тизимида ҳам кенг қўланили ишларни амалга ошириб, фаолиятимизни янги сифат босқичига кўтаришимиз лозим. Ҳеч шубҳасиз, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Фармон ва қарорига мувофиқ мамлакатимизда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашилари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилиб иш бошлагани бу борада янги имкониятларни очди.

Маҳалланинг аҳолига ижтимоий кўмак бериш борасидаги ваколати кучайтирилди. Эндиликда “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳолаш тартиби жорий этилмоқда ва маҳалла раислари энди 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга. Барча туман ва шаҳарларда “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилди.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛЛАРИГА МУРОЖААТИ

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”-ги қонуннинг янги тахирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда маҳаллаларни ташкил этиш, “маҳалла еттилиги”нинг масъулияти ва жавобгарлиги бўйича аниқ мезонлар белгиланади. “Еттилик” аъзоларини тайинлашда маҳаллада яшайдиган номзодларга устунилик берилади. Маҳалла раисининг сўровига жавоб бермаслик ёки унинг тақдимномасида қўйилган масалани қўриб чиқмаслик учун жавобгарлик белгиланади.

“Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг янги тахирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда маҳалла раиси сайловини аҳоли томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказиш, маҳалла раисининг маълумоти ва маълакаси бўйича қўйиладиган талаблар, маҳалла раисининг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш каби янгиликлар киритиш кўзда тутилмоқда.

Азиз дўстлар! Маҳаллаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, ўз навбатида, зиммамизга катта масъулият ва жавобгарлик юклаганини албатта барчамиз яхши тасаввур қиламиз. Айниқса, Президентимиз раислигида 2023 йил 22 декабрь кuni Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, 2024 йил 12 январда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама қилинган долзарб масалалар ва белгилаб олинган муҳим вазифалар ўзини маҳалла ҳаётига, эл-юртимиз тақдирини ва келажагига дахлдор деб билган ҳеч қайси инсонни бефарқ қолдирмайди. Чунки инсон қадри, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, маънавият ва маърифат, маданият ва санъат, спорт ва илм-фан ривожини, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аввало, маҳалладан бошланади.

Глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда маҳаллаларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидagi тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур.

Навқирон авлод вакилларининг ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариши учун, биринчи навбатда, маҳаллаларда қулай муҳит ва шароитлар яратиш ўта муҳим вазифамиздир.

Бизнинг бу борадаги иштирокимиз, аввало, бир-биримизга, кўни-қўшниларга, кўчамизда, маҳалламизда униб-ўсиб келаётган болалар тарбиясига бефарқ бўлмасдан, жон куйдиришда, том маънода “ҳар бир болага ҳам ота, ҳам она, ҳам устоз, ҳам тарбиячи” бўлишимизда номоён бўлади. Айниқса, миллий маънавиятимизга қарши қаратилган бузғунчи ҳаракатларга қарши курашиш ва маҳаллада ахлоқий-тарбиявий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳтарам отахон ва онахонларимиз, фаол кўча ва уй бошлиқлари, имомхатиб ва отиниҳилар, зиёлиларимиз ва тадбиркорларимизнинг фидойилиги катта аҳамиятга эга.

Ўзингиз айтинг, бугун баъзи гуруҳлар орасида кузатилаётган диний қарашларни Конституция ва қонунларимизга қарши ва улардан устун қўйиш ҳолатларига, диний эътиқод нуқоти остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаётган кишиларга, қўп хотинлик, аёл киши ишламасдан уйда ўтириши, ўқимаслиги керак, деган сохта “даъват”ларга қарши биз курашмасак ким курашади?

Маънавий таҳдидларга қарши курашни, аввало, оиламиздан, маҳалламиздан бошлашимиз зарур. Бу борада маҳалла фаоллари ва жамоатчилик тузилмалари фаол бўлмоғи лозим. Ўзимиз, фарзанд ва набираларимиз ҳаёти ҳамда келажагига дахлдор бундай масалаларда энди “ухлаб ўтириш”, лоқайд бўлишга асло ҳаққимиз йўқ.

Айниқса, ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларига ечим топиш, жумладан, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ҳарбий хизматга муносиб мард ва ботир йигитларни тарбиялашга эътибор қаратиш маҳалла фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши шарт. Бу борада тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз лозим. Президентимиз белгилаб берган тўғри йўлда энди ташаббус кўрсатиш, турли иллатларга қарши курашишдан уялиб, тортиниб ўтириш бизга ярашмайди. Дадил бўлайлик, сўзимиз ва ишимиз ҳам

кескир бўлсин! Агар барчамиз бирлашиб, хавф-хатар ва муаммоларни енгмасак, улар бизни енгади. Биз бирлашмасак, бузғунчи кучлар бизга қарши бирлашади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган ижтимоий муаммолар мутасадди ташкилотлар томонидан бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтирайлик! Ёшларимизнинг “онлайн қимор”, “тармоқдаги ўғрилиқ”, фирибгарлик каби иллатларга берилиб, жаҳолат қурбонига айланишига йўл қўймайлик!

Тўй-ҳашамлардаги дабдабазорлик, исрофгарчиликка чек қўйайлик!

Агар сидқиқилдан ҳаракат қилсак, маҳалланинг қурби етмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Маҳалламиздаги жамоатчилик тузилмалари, “Маҳалла назорати” ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳларига, “Оқила аёллар” ҳаракатига энг фаол ва жонқуяр фаолларни жалб этиб, уларни эзгу мақсад йўлида сафарбар этсак, ҳар қандай муаммони албатта ҳал қиламиз.

Қадрли маҳалла фаоллари! Бугун қуйдаги устувор масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Аваллаб, “Боланинг бегонаси бўлмайди!”, “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, “Менинг маҳаллам, менинг кўчам тинч ва тоза, жиноятчиликдан холи маҳалла, кўча!”, “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!”, “Мен маҳалламга бефарқ эмасман!” каби эзгу шиор ва даъватларни амалий ҳаракатга айлантиришимиз керак.

Иккинчидан, маҳаллаларда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги зарур — етим-есирлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз қарияларни қўлаб-қувватлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлиши шарт.

Учинчидан, уйма-уй юриш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзидан хабардор бўлиш, оилалар фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолида томорқа маданиятини юксалтиришга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

Тўртинчидан, нотинч, ажралиш ёқасида турган оилалар, жиноят содир этишга мойил ёки аззолари ўз жонига суиқасд қилган, узоқ муддатга хоригга ишлаш учун

кетган, жазони ижро этиш муассасаларидаги фуқароларнинг оилалари билан мунтазам ишласак, яхши натижага эришамиз.

Бешинчидан, оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, тўй-ҳашамларни дабдабадан холи, ихчам ва камхарж ўтказишга кўпни кўрган нуронийларимизни кенг жалб этиб, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланишимиз зарур.

Олтинчидан, маҳаллада жамоатчилик назорати таъсирчанлигини оширишимиз зарур. Қонун ҳужжатлари, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари, фуқаролар йиғинларининг қарорлари ижросини назорат қилиш, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш каби йўналишлар бўйича тизимли жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишимиз керак.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг “Қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, ўша ерда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм суради, ноқуш ҳолатларга йўл қўйилмайди”, деган сўзлари фаолиятимизда дастуриламал бўлиши лозим.

Азиз ҳамкасблар! Ҳеч қачон унутмайлик, ана шу вазифаларни амалга ошириш биз учун нафақат мажбурият, балки муқаддас бурчимиздир. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизни равнақ топтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, одамларимизни ҳаётдан рози қилиш йўлида муҳтарам Президентимизга таянч ва суянч бўлайлик!

Шу йўлда “Менинг маҳаллам — менинг истиқболим — менинг тақдирим” деган тамойил ҳаётий шиоримизга айлانسин!

Бундай масъулиятни вазифаларни виждонан ва ҳалол бажариб, барчамизга билдирилган юксак ишончни оқлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, деб ишонамиз!

Донишманд боболаримиз айтганларидек, “Бу дунёда одамларга эзгулик улашиб яшашдан кўра улуғ ва савоб иш йўқ”. Ана шу ҳикматга амал қилиб яшасак, ишимизда албатта натижа бўлади, халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлаган бўламиз.

Ана шундай буюк саодат барчамизга ёр бўлсин!

МАҲАЛЛА – ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ЛОКОМОТИВИ

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Республика маҳаллани қўлаб-қувватлаш кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

тутининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон



Носир ҲАЙДАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ф. Мирзаев, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, жойлардан сайланган 140 нафар делегат иштирок этди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан делегатларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Унда маҳалла тизимидаги ўзгаришлар, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва обрўсини ошириш борасидаги ташаббуслар, “маҳалла еттилиги”нинг фаолият йўналишлари хусусида сўз борди. Президент Фармон ва қароридa белгиланган устувор вазифалар бирма-бир таҳлил қилинди. Делегатлар томонидан маҳалла тизимини такомиллаштиришга оид тақлифлар ва ташаббуслар илгари сурилди.

Анжуманда Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла инсти-

маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридa маҳаллаларни қўлаб-қувватлашни янада такомиллаштириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилгани тизимни янгиллашда муҳим дастуриламал бўлгани таъкидлаб ўтилди.

Конференцияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Делегатлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг раиси лавозимига Қарамон Қуронбоев номзодини бир овоздан маъқуллади.

Конференция иштирокчилари мамлакатимиз маҳаллалари фаоллигига Мурожаат йўлади.

Фахриддин БОЗОРОВ (‘Халқ сўзи’).

УЙҒОНИШНИНГ ЯНГИ ЙИЛИ

Шунинг учун инсон тунда жисман ухлаб, руҳан ором олса, тонгда яхши кайфиятда уйғонади, онги тиниклашади. Ва табиийки, оламни ҳам шу қадар мунаввар кўради. Ўзгалардан кутгани ҳам эзгулик бўлади. Зотан, яшашдан мақсад аслида эзгу ният, эзгу иш, эзгу амал бўлмоғи лозим. Ушбу тўртлик шу фикрларнинг махсули:

Худо умр берди тонгда уйғондик,
Соат чирқиллади бонгда уйғондик.
Ўзингдан сураб кўр, аё дўст, қачон —
Уйғок виждон билан онгда уйғондик?!

Уйқунинг увоғи — гафлатнинг тоғи

Аллоҳ бизга насиб этган умримизнинг яна бир варағи — 2024 йилни Президентимиз “Ёшлар ва бизнесни қўлаб-қувватлаш йили” деб номлаш ташаббуси билан чиқди. Халқимиз ақдриликл билан маъқуллади.

“Йил нима учун шундай номланди?” деган табиий савол тўғилиши мумкин. Жонажон Ватанимиздаги жами аҳолининг 60 фоизи ёшлар. Қолаверса, дунё иқтисодий тараққиётининг асосини бизнес ташкил этади. Ёшлари кучли, иқтисодийёти бақувват давлат дунёда ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлиши, шубҳасиз.

Яшаш аслида кўп бора таъкидланаётганидек, курашдан иборат. Кураш бўлганда ҳам гоёвиймафқуравий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий эидиятларки, ким нимага қодир бўлса — шу мақомда туриб, сўзини ўтказиш пайига тушади. Бойлар ўртаҳолларнинг, ўртаҳоллар эса камбағалларнинг ўзларига қарам бўлишини истайди. Камбағаллар ҳам бир-бирини тугатиш билан андармон бўлади...

Президентимиз айтганидек, **илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очкичасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳимиз.**

Шу боис Ватанга ширин-ширин ваъдалар эмас, сўзининг устидан чиқадиغان ватанпарварлар керак! Миллати, дини, ирқидан қатъи назар, шу заминга қадам босиб, **озод Ўзбекистон** ҳавосидан нафас олаётган инсон элу юрти олдидаги мажбуриятини ҳис қилмоғи шарт.

Албатта, “ватанпарвар бўлгин”, деб ҳеч ким ҳеч кимни мажбурламайди. Бу, аввало, виждон иши. Халқимиз “Бўйиндан боғланган ит овга ярамас”, деб беҳиж айтимаган. Бекорга миллатимиз, халқимиз ёшларидан зийраклик, уйғоқлик сўралмаяпти. Миллий ўзлик — миллатпарварликдан, ўз миллатини севиш, уни ҳурмат қилиш, уни тушуниш, идрок этиш, келажаги учун қайғуришдан бошланади. Ҳар бир инсон ўз жонини суйгани каби киндик қони тогман муқаддас тупроғини, ота макони, она Ватанини шу қадар суйса, ардоқласа, қизганса, авайласа, ҳимоя қилса, аяса, гўзал кунлар ўз оёғи билан келмайдами?! Аммо тарбияда тоийиш, лоқайдлик, бепарволик, нафсига қул бўлиш, ақлда, фикрда қалғиш бу гўзал туйғунни осонгина қулга қўмиб юбориши мумкин.



Ачинарлиси шундаки, бугун “фикран тойганлар”ни йўлдан оздириш, ёт гоёлар исканжасига олиш, онгу тафаккурини заҳарлаш қийин бўлмай қолди. Чунки ўтмиш азобларини, йўқчилик-қаҳатчиликни кўрмаган, бир бурда нон, янги кийим-бош учун ойлаб, йиллаб зорикмаган ўғил-қизларимиз ҳамиша ҳаёт шундай гўзал, турмуш шундай фаровон бўлади, деб ўйлашапти. Бир кун ҳаммаси тугаб бошқача ҳаёт бошланса, нима бўлади, деган ўй уларнинг ҳаёлига келишига ишонасизми?!

Афсуски, бу тахликали ва қалтис замонда доимо бугунгидек тўқин-сочин ва тинч яшаймиз, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Токи элу юрт манфаати, тинчлигимиз қадрини шахсий манфаатларимиздан устун қўймас эканмиз, бу имкониятларни (Худо асрасин!) бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида қатъий ишонч билан: **“Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур”**, деб ўқирди, зиёлилардан тортиб оддий аҳолигача уйғоқлика даъват этди.

Бу муҳим вазифа нафақат тарбия учун масъул касб соҳибларидан, балки кенг жамоатчиликдан, айниқса, биз, ижодкорлардан чор-атрофимизга уйғок назар билан қарашимизни талаб қилмоқда.

Юзимизни шувут қилган ҳолат шу бўлдики, давлатимиз раҳбари қанча имконият эшиклари очилган, шароитлар идеал даражада бўлса-да, ижодкорлар сусткашлик қилаётгани, юз йил олдин яхши маънода дунёга “Ўт қўйган” жадид болаларнинг жонфидолигидан ўрناق ололмаётганини кескин танқид қилди. Бу борада бизга фаллашмиш, илғор бўлиш, жадид болаларимизнинг муносиб давомчилари сифатида адабиёт майдонига дадил чиқиш лозимлигини яна бир қарра эслатди. Янги ташкил этилган “Жадид” газетаси ҳар бир ижодкор учун кўзгу, дил даввати, дастуриламал бўлишини таъкидлади. Зеро, адабиёт қалб тарбиясига тутилган чироқ, юрак дардида қўйилган малҳам экан, сўз салтанатининг шифобахш сабоси эл, миллат руҳини уйғотиши, буюк ишларга сафарбар этмоғи зарур. Шу боис ёшларимизни китобхонликка даъват этиш шунчаки ҳисобот учун эмас, амалда бўлишини, маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида ижодкорлар билан мунтазам учрашувлар ўтказишини аниқ вазифа сифатида қатъий белгиланди.

Давлатимиз томонидан яратилаётган барча

иқтисодий имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиш, соҳани тараққий эттириш, халқроқ миқёсда эътирофга сазовор бўлишга эришиш учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси ватанпарвар бўлмоғи, ўз-ўзини кескин имтиҳон қилиб турмоғи, ёшлар тарбиясига масъуллиқни чуқур ҳис этиши шарт. Табиийки, инсон бу шартларни бажариш учун яна иймонда мустаҳкам, эътиқодда собит, ҳамиша уйғок ва тийрак, миллатпарвар, ориятли бўлмоғи ҳам керак.

Биз бугун кўтараётган масалалар, гоёларнинг аксарияти аслида ўтган асрда жадид боболаримизни қийнаган саволлар, азобли оғриқлар эди. Қарангки, орадан юз йил ўтса-да, улар бус-бутун бошогриқлигича турибди. Жадидларимизнинг ҳаёт тарзи, мақсад-муддаоси, покиза ниетлари ҳар биримиз учун бугун дастуриламал бўлсагина бу муаммоларни бартараф этамиз, енгиб ўта-миз. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари маърузаларида уларни биз, қалам аҳлига намуна қилиб қўрсатмоқда.

Фозил инсон, мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудийдан келтирилган қуйдаги иқтибос ҳамон қулоғим остида жаранглайди, руҳимни горат қиладди: **“Туркистон халқининг манфаати уч нарсага боғлиқ. Биринчиси — галла, яъни озик-овқат хавфсизлиги, иккинчиси — аскар, учинчиси — ҳарбий тизимни шакллантириш”**. Бу ҳаётий сўзлар ҳам юз йил олдин айтилган! Бехбудийнинг тафаккурига, сиёсий иродасига таҳсин айтмай бўладими?! Ваҳоланки, у, аввало, ижодкор эди.

Шўқримиз шундаки, бу уч нарса бугунги янги Ўзбекистонимизда, яъни бизда мужассам. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги оқил ва доно сиёсатини дунёнинг энг илғор мамлакатлари сиёсатчилари эътироф этмоқда, нуфузли нашрлар, телеканаллар бонг ўрмоқда. Жонфидо ҳарбийларимиз эса соҳибқирон Амир Темурга, ҳазрати Бобурга, миллат афсонаси Жалолиддин Манғубердига ворис эканлигини халқроқ майдонда, жаҳон ҳарбийлари сафидa кейинги 4-5 йилда тўлиқ исботлади.

Аммо шунинг унутмаслик керакки, бу борада ҳаддан зиёд ифтихорга берилиш — уйқунинг увоғи — гафлатнинг тоғи эканини унутиб қўйиш билан баробар. Биздан бугун сўралаётгани ёшлар тарбияси ҳусусида ҳар лаҳза хушёр туриш, жумладан, оддий аскарни ватанпарварлик руҳида қамолга етказишда ҳарбийларга елкадош бўлиш, мудраганини туртиб, охиста юрганини шаҳдам қадам ташлашга даъват қилиш, ақлда, ўқиш-ўқишда сусткашликка йўл қўймаслик. Чунки биз жаҳон аҳлининг кўз ўнгидамиз, янги Ўзбекистон майдонидамиз. Бизни қўлаб-қувватлаётганлар ёнида жилмайиб, аслида эса хато қилишимизни қутиб ётганлар ҳам кўп. Демак, миллат учун, Ўзбекистон халқи учун қалб уйқусининг увоғи ҳам ортиқча.

Уйқунинг увоғида гафлатнинг тоғи бордир,
Зийраклик чирогидa жаннатнинг боғи бордир.
Аросат орасинда оввора юрма, Маҳмуд,
Майдонга тушган марднинг белда белбоғи бордир!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
сенатор.

Омилкорлик

ҚИШДА ҲАМ ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРАЁТГАН МИРИШКОРЛАР



Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида қулупнай етиштириш бўйича бой тажриба тўпланган. Авваллари ҳудудда йилда бир марта, фақат баҳорда ҳосил олинган. Кейинги йилларда деҳқонлар қулупнайнинг янги навларини парваришлаб кўзда ҳам ҳосил ола бошлади. Бугунги кунда эса туман аҳолиси томорқада қишда ҳам қулупнай етиштириш мумкинлигини исботлади.



Хусусан, тумандаги Қумоқ маҳалласининг ёшлар етакчиси бўлган Мирмуҳсин Дониёров ишдан бўш вақтида оиласи билан қулупнай парваришлаб бошқаларга ўрناق бўляпти.

— Ховлимиздаги уч сотихли иссиқхонада Жанубий Кореянинг “Сеолхян” навли қулупнайи екилган. Мана, киш фасли бўлишига қарамай ҳосилимиз пишди, — дейди у. — Қулупнайни бозорга ҳар уч-тўрт кунда олиб чиқиб, яхшигина нархда сотаяпмиз. Шу орқали 20 — 25 миллион сўм даромад топамиз.

Умуман, иссиқхонада қулупнай етиштириш анча қулай. Очқик ерда екилган қулупнайга ишлов бериш бир қатор қийинчиликларни туғдирарди. Намга тегиб туриши натижасида ҳосилнинг бир қисми чириб кетарди. Бундан ташқари, соғлигимизга ҳам зиён — оёғимиздан зах ўтарди. Иссиқхонада эса бу муаммолар йўқ, қулупнай кўчатлари орасида бирорта бегона ўт ўсмайди.

Ушбу маҳаллада яшовчи Бекзод Эрние-зовни ҳам ер билан тиллашувчи омилкорлардан, десак, муболага бўлмайди. Бекзод ака мўъжазгина иссиқхонасидан самарали фойдаланиб бир вақтининг ўзида қулупнай, помидор, бодринг ва редисқа етиштириб, қўшимча даромад манбаларини яратмоқда. Ернинг ҳақиқий эгаси — халқ. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуслари ва тегишли қарорлари билан юртимизда ишсиз аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини деҳқончилик билан шугулланиш учун

ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Ушбу йўналишда Каттақўрғон туманида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Туманда 2022-2023 йилларда жами 1,5 минг гектарга яқин ер майдонлари 4 минг 240 нафар аҳолига деҳқон хўжаликлари ташкил этиш мақсадида узоқ муддатга ижарага берилди.

Эътиборлиси, “Бир ҳудуд — бир махсулот”, “Бир контур — бир махсулот” тамойиллари асосида ҳудудларда тупроқ иқлим шароити, фуқароларнинг деҳқончилик маданияти, махсулот турига бўлган талаби ҳамда ички истеъмол бозорларида аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги екинлари екилмоқда.

Худди шундай, “Қумоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида 2022-2023 йилларда 21,1 гектар ер майдони аҳолига аукцион савдолар орқали ажратиб берилган эди. Қумоқлик деҳқонлар аллақачон “Бир контур — бир махсулот” тамойили асосида қулупнай экиб, ҳосилини маҳаллий бозорларда сотиб даромад олишни бошлади.

Сирасини айтганда, нафақат Қумоқда, балки Каттақўрғон туманининг қўлаб маҳаллаларида ҳам томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш орқали бой бўлаётган оилалар сони йилдан-йилга ортиб бораётир.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ (‘Халқ сўзи’).

ЯНАДА ФИДОЙИ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛИШ — УСТУВОР МАҚСАД

Депутат йигилишда тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, тажрибали олимлар, етук мутахассислар иштирокида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши сабаб ва оқибатлари, ҳавони муҳофаза қилиш усуллари атрофлича муҳомадан ўтказилгани эътироф этиб, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг ҳаво мусаффолиги бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотини эшитиш масаласини кун тартибига киритиш таклифини берди.

Ушбу таклифни сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари ҳамда депутатлар қўллаб-қувватлаб, келгусида ушбу муҳим масала юзасидан вазир ахборотини эшитиш зарурлигини қайд этдилар.

Мажлисида масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. Абдуҳакимовнинг “Республикада, шу жумладан, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида



амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Қонун лойиҳалари нега қайтарилди?

Мажлисида маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда табиатни муҳофаза қилишга оид қонун лойиҳаларининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Унда депутатлар қонун лойиҳаларининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар. Лойиҳаларни моддама-модда кўриб чиқиш чоғида бир қатор саволлар ўртага ташланди. Депутатлар саволларига берилган тушунтиришлар тўла-тўқис бўлмагани сабабли ҳар иккита қонун лойиҳасининг долзарблигидан келиб чиқиб, масъул қўмиталар уни янада такомиллаштирадиган бўлди.

Қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида кўрилади.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида танаффус йўқ

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси навбатдаги муҳокама марказида бўлди.

Ушбу ҳужжат билан касаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари вақтда дам олиш масканлари сифатида фойдаланишини ташкил қилиш ва бундан олинадиган даромадлари бўйича маълум бир муддатга фойда солигидан озод этилиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, оромгоҳлар мажбурий равишда сертификатлаштирилиши талаб қилинмаслиги белгиланмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган таклиф ва тавсиялар асосида ундаги нормалар маромига етказилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши касаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларидан йил давомида самарали фойдаланиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали уларда болаларга яратиладиган шарт-шароитларни яхшилаш, болаларни соғломлаштириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда йўлланмалар нархларини барқарорлаштиришга замин яратди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Тадбиркорлар эркинлигининг кафолати

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизмларини яратишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Бош қомусимизда Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланди.

Мазкур кафолатни янада мустаҳкамлаш, қонун ҳужжатларида акс эттириш мақсадида қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтган ҳудудидан қатъи назар, уларнинг товарлари, хизматлари, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде эркин ҳаракатланишининг кафолатланиши назарда тутилмоқда.

Киритилаётган мазкур ўзгартиришлар тадбиркорлик фаолиятини тўқсинликсиз амалга оширишга, мамлакатда бизнес муҳитини янада ривожлантиришга, товар ва хизматлар бозорининг барча иштирокчиси учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Фармацевтика соҳасида — халқаро стандартлар

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Фармацевтика соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Бу билан “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ҳамда “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг айрим нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатидан рецетпсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилгига камида бир марта тасдиқлаш нормаси ҳамда дори моддалари (субстанциялар)ни давлат рўйхатидан ўтказишга оид нормани бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Чунки бугунги кунда дори воситаларини ишлаб чиқариш амалиётида халқаро стандартлар (GMP) ва сифат назоратига қўйилган талаблар доирасида субстанцияларни назорат қилишнинг альтернатив механизми жорий этилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳаси такомиллаштирилди. Хусусан, амалиётдан келиб чиқиб, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган дори воситаларини рецетп билан ёки рецетпсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасида таклиф этилаётган янгиликлар соҳадаги айрим тақорланувчи ва бюрократик талабларни бекор қилиш орқали республика аҳолисини сифатли, хавфсиз, самарадор ва арзон дори воситалари билан таъминлаш даражасининг ошишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Микромолиявий хизматлар замон талаблари асосида

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Унда Фуқаролик кодексига жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томо-

нидан микроқарз ёки кредит бўйича амалга оширилган тўлов суммаси агар қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаса, қарз олувчининг қарз мажбуриятлари мутаносиб равишда сўндирилишини назарда тутувчи тартиб белгиланмоқда.

Шу билан бирга, кредит бўйича қарздорликни ва ҳисобланган фоизларни ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда мазкур кредит бўйича фоизлар, шунингдек, неустойка ҳисобланиши тўхтатилишига оид ўзгартириш ва қўшимча киритилляпти.

“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунга эса микромолиялаштириш фаолияти деб эътироф этиладиган микроқарз беришнинг энг юқори миқдори 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача оширилишини назарда тутувчи қўшимча киритилаётир.

Қизгин муҳокама ва савол-жавоблар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан қатор саволлар кўтарилди. Қонун ташаббускорлари берилган саволлар, таклифлар бўйича асосли тушунтиришлар берди.

Уларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қарз олувчилар учун қулай молиявий имкониятлар яратишга ҳамда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга йўл очди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган суд амалиёти

“Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мажлисида обдан кўриб чиқилди.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституция-мизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши кафолатланган.

Бугунги кунда суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текшириш институтини такомиллаштириш орқали фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибни жорий этиш бўйича Жиноят, Иқтисодий, Фуқаролик процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонунлар билан туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибиде, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибиде қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибиде, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибиде қўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибиде, шунингдек, унинг судлов ҳайъатла-

Фракциялар нуктаи назари

Дониёр ҒАНИЕВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Маҳаллий заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг 483-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилиши назарда тутилмоқда.

Айнан шу кодекснинг 243-моддасида қимматбаҳо ва яримқимматбаҳо тошларни, шунингдек, улардан ясалган яримтайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод бўлиши белгиланган бўлиши.

Аммо юқоридаги қонун лойиҳаси билан солиқ имтиёзи факатгина четдан олиб келинадиган қимматбаҳо тошларга нисбатан қўлланилиши қайд этиляпти, яъни яримқимматбаҳо тошлар учун имтиёз белгиланмаёпти. Кодекснинг бир моддасида яримқимматбаҳо тошлар ҳақида сўз борса, лекин бошқа моддасида бу сўзлар бўлмаслиги кодексдаги тегишли нормаларни бириктириш кераклигини аңглатади.

Ўктам ИСЛОМОВ, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси:

— “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонундан Олий Мажлис палаталарининг табиат муҳофазасига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига оид нормаларнинг қиқариб ташланаётганлиги тўғри бўлмоқда. Сабаби, бу ерда ваколатлар алоҳида келтирилмаган.

Шу билан бирга, парламентга Ҳукумат вакиллари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотни эшитиш бўйича ваколат берилиши ҳақидаги норма ушбу қонунда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Махфират ХУШВАҚТОВА, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Ҳозирги вақтда экология масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Мажлис кун тартиби лойиҳасига Ўзбекистон экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вази-



рида тафтиш тартибиде қўрилган ишларни Олий суд Раёсатида тафтиш тартибиде қайта кўриб чиқиш белгиланган.

Қонун лойиҳаси билан суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштириш бўйича процессуал кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлардан келиб чиқиб, ягона суд амалиётини таъминлаш, қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни ҳамда зиддиятларни бартараф этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга, улардаги бўшлиқ ва қарама-қаршилиқларни бартараф этишга, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган суд орқали ҳимоя қилиниши ва судга шикоят киритиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Прекурсорларни ишлаб чиқариш — назоратда

Мажлисида депутатлар “Прекурсорларни ишлаб чиқариш жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда калий сульфат, коллоксилин, аммофос, моноаммоний фосфат каби импорт ўрнини тўлиқ босувчи кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Сульфат кислотаси ушбу кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг асосий хомашёси ҳисобланади.

Бироқ сульфат кислотаси мамлакатимизда муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхатига киритилганлиги сабабли уларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш фақат давлат корхоналари ва муассасалари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу эса ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантиришда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Шу боис мазкур қонун лойиҳаси билан хомашёни чуқур қайта ишлаш ва маҳаллий sanoatни ривожлантириш мақсадида хусусий

рининг Тошкент шаҳри атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш масаласи киритилди ва биз бунчи қўллаб-қувватладик.

Ўз навбатида, нафақат пойтахт мисолида, балки вилоятлар кесимида бу бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот эшитишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Максуда ВОРИСОВА, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Прекурсор моддалар бутун дунёда муайян квоталар асосида ажратилади ва барча мамлакатлар ҳукуматлари ушбу моддаларни алоҳида назорат асосида ишлаб чиқаради. Биз бу моддаларни Ўзбекистон эҳтиёжи даражасида ишлаб чиқара олсак, ундан кейингина зарурат тутилганда, уларни халқаро шартномалардаги меъёрлар доирасида экспорт қилишга рухсат бериш масаласини муҳокамадан ўтказасак бўлади.

Бундан ташқари, бу моддаларнинг экспорти ва импорти фақат-

гина давлат томонидан амалга оширилиши мумкин.

Наврўзбек ЮСУПОВ, Экология партия фракцияси аъзоси:

— Мажлисида кўриб чиқилган масалаларнинг аксарияти экология ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган эътиборга молик. Бу ҳам, ўз навбатида, ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади. Шу боис Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда унинг ҳузуридаги Ўрмон ҳўжалиги агентлиги масъулларининг амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди. Экологик муаммоларни ҳал этиш, мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва шу орқали айрим масалалар ечимига эришиш парламент олдидаги муҳим вазифа ва бу, ўйлаймизки, қутилган натижани беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқилаётган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун бўйича турли мулоҳазалар билдирилмоқда. Ҳуқуқшунос сифатида каминани ҳам ушбу масала беэътибор қолдирмади.

Фикр

Маълумки, жамиятнинг барқарор ривожланиши учун тинчлик ва хавфсизлик таъминланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли тарзда муҳофазаланиши ва ижтимоий ахлоққа оид қадриятлар ҳурмат қилиниши жуда муҳим. Шу боис ҳам Конституциямизда инсоннинг ҳуқуқ ва

эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида қатъий белгиланган. Албатта, ушбу мақсадга эришиш учун махсус ташкил этиладиган, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини рўёбга чиқарадиган давлат органлари фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти қонун билан қатъий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Айтиш жоизки, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишда

Конституция ва қонунларда белгиланган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига даҳл қилмаслиги, хавфсизлиқни таҳдид остига қўймаслиги зарур. Мазкур талаб ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишдаги доира бўлиб, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Дахлсизлик, ҳуқуқ ва эркинликлар муҳофазаси ҳам айнан ҳуқуқни ҳимоя этувчи органлар зиммасидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу органлар фаолиятига турли шақлларда тўқсинлик қилиш, шунингдек, уларни обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатлар, ўз навбатида, ижтимоий ахлоққа зид бўлиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлигига ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.

Ҳаётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз хизмат вазифаларини амалга ошириши чоғида турли зиддиятли вазиятларга дуч келиши бор гап. Бунга, озми-кўпми, гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу боис бундай органлар ходимларининг ҳам шахсий дахлсизлик ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Шу билан бирга, хизмат вазифасини адо этишда ходимнинг фаолиятини фотосуратга ёки видеоёзувга олиш Конституцияга кўра тақиқланмаган, аммо ушбу фотосурат ёки видеоёзувда маълумотлар ёлгон, ноаниқ ва бузиб кўрсатилган ҳолда ифодаланмаган, ахборотларни ўзгартириш орқали ходимларни ёки тизимини обрўсизлантиришга олиб келади диган ҳаракатлар содир этиш мумкин эмас.

Бу каби салбий ҳолатлар юз бермаслиги, Конституция ва қонунлар муҳофазаси ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг нормал фаолият олиб боришига зарур бўладиган ижтимоий-ҳуқуқий механизмни таъминлаш учун қонунчиликда мазкур қилинишлар аниқ акс этадиган алоҳида нормалар белгиланиши, бундай ҳуқуқбузарликлар содир қилганлик учун аниқ таъсир чоралари белгиланган бўлиши ҳам профилактик жиҳатдан, ҳам кафолатлаш учун мақсадга мувофиқдир.

Бундай амалиётни чет давлатларнинг тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Германияда полиция ходимларини суратга олиш тақиқланган эмас, бироқ шу фотосуратлар ёки видеоларни ижтимоий тармоқлар ва

интернетга жойлаштириш ман этилган. Францияда бир ва бошқа операциялар давомида полиция ходимлари ёки жандармларнинг шахсини идентификация қилишга ёрдам берадиган тасвирларни тарқатиш бир йиллик қамоқ ва 45 минг евро жарима билан жазоланади. Буюк Британияда эса қўчаларда ёки биноларда хизмат вазифасини бажараётган ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимларини уларнинг розилигисиз суратга олишни тақиқловчи норма мамлакат парламенти томонидан 2000 йилда тасдиқланган.

Бизнингча, кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган қонун шу каби ҳаётий зарурат ва халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган.

Бехоза РАШИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор.

2024 йил Хитой ва Ўзбекистон учун олий даражадаги муҳим воқеаларга бой бўлади

Мақолада айтилишича, Чин юрти Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шерикларидан бири ҳисобланади. Хитой статистик маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь — ноябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 30 фоиздан ортиқ ўсди ва 12 млрд. доллардан ошди. Хитойнинг Ўзбекистонга ўзлаштирилган сармояларининг умумий ҳажми ҳозирда 11 млрд. долларни ташкил этади, бу 2017 йилдагига нисбатан беш баробар кўпдир.

Айни пайтда Ўзбекистонда энергетика, транспорт, алоқа, қишлоқ ҳўжалиги, таълим каби соҳаларда Хитой сармояси иштирокида ишлаётган икки мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон ва Хитой кўп асрлар давомида маданий алмашинув самарасини кўриб келмоқда. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп йиллик дўстлик ва ўзаро англашув тарихи цивилизациялараро мулоқотнинг замонавий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди”, деб таъкидланган манабда.

Мақолада ёзилганидек, Ўзбекистон ҳам Хитой сингари тарихий-маданий меросга, қадимий меъморчиликнинг ноёб ёдгорликларига бой бўлиб, улар доимо дунёнинг турли бурчларидан сайёҳларни ўзига фаол жалб этиб келган. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга хитойлик сайёҳлар оқими сезиларли даражада кўпайди.

Хитой босма нашрида эълон қилинган материалда қайд этилганидек, икки мамлакат ҳамкорлигининг салоҳияти улкан ва уни тўлиқ рўёбга чиқариш зарур. Келгусида мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиш батафсил тадқиқотларга асосланган амалий чора-тадбирларни талаб қилади.

Мақола хулосасида шундай ёзилган: “Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бутун спек-

три бўйича ривожланишнинг ижобий динамикаси бу тенденция янада кучайиб, кенг қамровли стратегик шерикликни чуқурлаштириш учун янги уфқлар очишдан далолат беради”.

Шунингдек, нуфузли “**Китай**” журналида Ўзбекистонда йўловчи ва юк ташиш соҳасини ривожлантиришга бағишланган мақола босилди.

“2023 йил якунларига кўра, ташилган юк ҳажми 1,4 миллиард тоннани ташкил қилди. Транспорт ташиш ҳажмларинг

ритиш, йўналишлар ва автобус компаниялари тақсимотини таҳлил қилиш, “VoIP” тизими орқали ҳайдовчилар билан боғланиш имконини берувчи марказлаштирилган диспетчерлик хизматини жорий этиш дастури ишлаб чиқилган. 2024 йилда ушбу диспетчерлик хизмати дастури ресурсларнинг барча шаҳарларида жорий қилинади.

Мақолада, шунингдек, Хитой Ўзбекистон пойтахти ва вилоятлари жамоат транспорти эҳтиёжлари учун янги автобуслар етказ-

энг йирик “Yutong Bus Co., Ltd.” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган электробуслардир. Ушбу электробуслар бутун пойтахт бўйлаб ҳаракат қилмоқда ва уларни жамоат транспорти фойдаланувчилари ҳам хуш кўради. Маҳаллий йўловчилар фикрларига кўра, ушбу русумдаги автобуслар чиройли ҳамда замонавий, кенг ва шовқинни салонга ўтказмайди”.

Маълум қилинишича, электробуслар бундай қулайликлардан ташқари, аτροφ-мухитга жуда кам таъсир кўрсатади. Ваҳоланки, нафақат электробуслар, балки табиий газда ишлайдиган двигателли автобуслар ҳам табиатга зарарли моддаларни сезиларли даражада кам чиқаради.

“Ўзбекистон пойтахти учун электробуслар ва табиий газда ҳаракатланувчи автобуслар мос келади, — дея қайд этилган материалда, — Шундай қилиб, 2023 йилда “Yutong Bus” ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ўртасида жами 800 та автобус бўйича келишув тузилган, шундан 300 таси электробус, 500 таси эса табиий газ билан ишлайдиган автобус ҳисобланади. Бу кўрсаткич Хитойдан Ўзбекистонга автобуслар экспорти бўйича рекорд натижадир”.

“Yutong Bus” ишлаб чиқарувчилари айтишича, Ўзбекистон буюртма қилган электробуслар мамлакатнинг иқлим шароитини ўрганган ҳолда махсус яратилган. Жамоат транспортининг ишлаши учун муҳим бўлган аккумуляторнинг совитиш тизими мавжуд. Буларнинг барчаси электробусларнинг узлуксиз ишлашига имкон беради ва автобусларнинг бузилиши тўғрисида йўловчиларнинг йўлда қолиб кетиш эҳтимолини пасайтиради.

Мақола хулосасида Хитой компаниялари Ўзбекистон томони билан ҳамкорлики тобора кенгайтиришга интилаётгани таъкидланган.

Сингапур компанияси Тошкент вилоятида мегазавод қурилишига 100 миллион доллар инвестиция киритади

Ўзбекистоннинг Сингапурдаги элчихонаси кўмағида Тошкент вилоятида мегазавод ва дистрибуторлик хабини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов, Тошкент вилояти ҳўкими Зоир Мирзаев ҳамда Сингапурнинг “Wilmar International Limited” компанияси директорлар кенгаши раиси Куок Хун Хонг қатнашди.

Лойиҳа Тошкент вилоятида “Wilmar International Limited” компаниясининг тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига қийматли 100 миллион доллар бўлган ун махсулотлари, ўсимлик мойлари ва юқори оксилли озуқалар ишлаб чиқарувчи мегазаводни қуришни назарда тутди. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари жорий йилнинг биринчи ярмида якунланади.

Сингапур вакилларининг гапларига кўра ушбу заводнинг қурилиши Ўзбекистонни “Wilmar” глобал таъминот занжирига киритиш учун стратегик имконият яратди. Дистрибутор марказининг ривожланиши эса мамлакатимизни Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва бошқа минтақалар бозорларининг йирик минтақавий ҳамда глобал экспортчисига айлантиради.

Лойиҳа темир йўл, Тошкент халқа йўли ва бошқа муҳим коммуникациялар ёнида стратегик аҳамиятга эга бўлган Тошкент вилоятининг Сурум қишлоғида 30 гектар майдонда амалга оширилиши режалаштирилган.

Онлайн музокара чоғида томонлар лойиҳани бошлашни тезлаштириш мақсадида яқин ҳамкорлики давом эттириш бўйича келишувга эришди.

«Дунё» АА.

Ижтимоий ҳимоя

ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАКЛИГИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида етим болаларга олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилиши белгиланиб, шу имтиёздан фойдаланган Абдулазиз Расулов Тошкент молия институтига талабалikka қабул қилинган эди.



Абдулазиз асли Хатирчи туманининг Зарафшон маҳалласида туғилган. Болалигида ота-онасидан айрилиб, холаси Мавжуда Пулатова қўлида voyага етди. Ўз уй-жойи бўлишини орзу қилган бу талаба йилгита давлатимиз томонидан яна бир ғамхўрлик кўрсатилиб, яқинда унга тумanning Навбахор маҳалласидаги янги кўп қаватли уй хонадонларидан бири топширилди.

Ўтган йили давлатимизнинг ғамхўрлиги билан нуфузли олий ўқув юрти талабаси бўлган эдим, — дейди Абдулазиз Расулов. — Жорий йилнинг бошидаёқ яна бир кучли ижтимоий ҳимоя тўғрисида ўз бошланамга эга бўлмоқдаман. Албатта, ўз уйингда меҳмон кутишнинг гаши

бўлакча. Шундай бахтли тўғра этган Ватанга садоқат ва фидойий меҳнат билан жавоб бераман. Шу кунги ота-онасидан эрта ажраб, Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олган Жаҳонгир Очиловга ҳам янги хонадон қалити топширилди. Туман ҳўкимлиги томонидан ҳар икки хонадон ҳам рўзгор учун анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанавда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлаш, унинг қўнуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани, бу борадаги савий-ҳаракатлар эса халқ розилигини олиш, уларнинг эртанги кўнга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Таълим

МАКТАБНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ БИНОСИ

Айни пайтда Учкўприк туманида 56 та умумтаълим мактаби мавжуд. Баркамол авлод орзуси йўлида олиб борилаётган эзгу савий-ҳаракатлар доирасида кейинги йилларда тумандаги таълим муассасалари фаолияти замонавий мезонлар асосида янгиланиб бормоқда.

1982 йилда қурилган ва мослаштирилган бинода иш юритиб келаётган тумандаги 46-умумтаълим мактабида 2023 йилги Инвестиция дастури доирасида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш амалга оширилди. Бойси 220 ўринга мўлжалланган ушбу таълим масканиди 856 нафар ўқувчи икки навбатда таълим олаётгани турли қийинчиликларни келтириб чиқараётган эди.

Дастур асосида мактаб учун 330 ўринли янги ўқув биноси қурилиб, мавжуд 220 ўринли муассаса мукамал таъмирланди. Эзгу ташаббус ижобати учун

Давлат бюджетидан 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди. — Бу йилги режага кўра, битта мактабда мукамал таъмирлаш, 3 та билим даргоҳида капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган, — дейди Учкўприк тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Хуршидхон Максудов. — Натижада мазкур муассасаларда ўқш жараёни тўлиқ бир навбатда ташкил этилади. Бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

Ҳамкорлик

ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИГА КИРИШИЛДИ

Шу йилнинг 3 — 11 январь кунлари Андижон вилояти ҳўким бошчилигидаги делегация Хитой Халқ Республикасида бўлиб, иқтисодий-ижтимоий йўналишларда ўзаро ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб борган эди. Хўш, унинг натижаси қандай бўлди?

Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган анжуманда шу каби саволларга жавоб берилди.

— Ҳар иккала давлат вакиллари ўртасида 52 та келишувга эришилди, — дейди вилоят ҳўкимини раҳибасари Б. Ҳамроев. — Уларнинг ижросини таъминлаш доирасида Андижон вилоятида салкам 2,2 миллиард доллар қийматидаги янги лойиҳалар амалга оширилади. Ҳамкорлик вилоятда таълим, қурилиш материаллари, энергетика, фармацевтика, автомобилсозлик ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида янги даврни бошлаб бериши кўзда тутилмоқда.

Эътиборлиси, хитойлик ҳамкорлар айни пайтда вилоятда дастлабки ҳаракатларни бошлаб юборишган. Жумладан, улар “Мундуз” ҳамда “Кампировот” сув тозалаш иншоотларида бўлиб, мавжуд шароит ва имкониятлар билан танишди.

— Хитойнинг “Gansu Yucun New Energy Technology” компанияси томонидан вилоятдаги 1760 та сув қудуғини электр энергияси билан таъминлаш бўйича лойиҳалар юзасидан келишув имзоланди, — дейди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ вакили М. Насриддинова. — Бунинг натижасида 11000 кВт қувватга эга бўлган куёш панеллари ўрнатилади. Бу тоза ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш ҳамда оқова сув хизматидаги кўрсатиш кўламини ошириш имконини беради.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

«Бир сўм сарфлаб, уч сўм даромад кўрасиз»

Оила даромади ва фаровонлигида ишбилармонликнинг аҳамияти беқийёс. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, кейинги пайтда Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида яшовчи Олимовлар хонадонини сўроқлаб қўшни қишлоқлардан келувчилар сони кўпайиб қолди. Бу оила аъзоларининг уй шароитида кўзиқорин етиштириш ҳадисини олгани билан боғлиқ.

Изланиш

— Кўзиқорин етиштиришга қизиқиши бўлган кишилардан маслаҳатимиз, кўмагимиз, тавсияларимизни аямаймиз, — дейди ёш оила соҳиби Раҳматилла Олимов. — Ўзимиз уч-тўрт йилдан буён шу иш билан шуғулланиб ҳам бўлаётганимиз йўқ. Очиғини айтадиган бўлсам, яқин-яқингача Россияга оливиий тарзда ишлагани борардик. Ҳатто пандемия даврида у ерда узоқ вақт қолиб ҳам кетдик. Ўртимизни, қишлоғимизни, яқинларимизни соғинардик. Ўшанда “шундай бир юмуш билан шуғулланайликки, ҳам элга кўпроқ нафимиз тегсин, ҳам рўзғоримиз бут бўлсин”, деган ўй-фикрга келганмиз. Ижтимоий тармоқлар орқали кўзиқорин етиштириш ҳақида керакли маълумотларни олганмиз. Ўйга борган шу иш билан шуғулланамиз, дея ўз олдимизга мақсад қўйдик.



“Излаган имкон топади” деганларидек, ҳовлидаги қурилиши поёнига етмаган би-

СУВ ҲАМ, МАБЛАҒ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

Айни кунларда Сирдарё вилоятида сув исрофгарчилигига сабаб бўлаётган тупроқ ўзанли канал ҳамда ички суғориш тармоқларини таъмирлаш, реконструкция қилиш борасида кенг микёси ишлар олиб борилмоқда.

Ирригация

Ушбу муҳим ишга Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ирригатор ва мелiorаторлари билан биргаликда фермер ҳўжаликлари ҳамда кластерларнинг ишчи хизматчилари, техника воситалари ҳам жалб этилди.

Кўламги экиш мавсумиғача бажарилиши мўлжалланган иш кўлами анча улкан, яъни вилоятдаги мавжуд 2245,6 километр тупроқ ўзанли ички суғориш тармоқлари-

нинг 900 километрлик қисмини январь — март ойлари давомида бетонлаштириш белгиланган.

Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Шавкат Исроиловнинг таъкидлашича, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида вилоят бўйича йилгига 85 миллион куб метр сув иқтисод қилиниб, қарийб 24 минг гектардан ошмиқ қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг сув таъмино-



Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қўнувчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахриратта келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг муктазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.
Мусахҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6